

Халқ шоири - халқ хотирасида

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида бадиий адабиётни равнақ топтириш, бу йўлда фидокорона меҳнат қилган ижодкорлар меҳнатини қадрлаш, марҳум ижодкорлар хотирасини эъзозлаш масаласи доимий эътиборда бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф жўшқин ва серқирра ижодий фаолияти, жонажон Ватанимиз, мустақиллигимиз, меҳнатсевар халқимизни мадҳ этувчи шеърлари билан адабиёт муҳлисларининг ардоғига сазовор бўлган ҳассос ижодкорлардан эди.

Муҳаммад Юсуф халқимиз маънавияти, онгу тафаккурини юксалтириш, ёш авлод қалбида ўзликни англаш, миллий ғуур ва ифтихор туйғуларини, эзгу фазилатларни камол топтириш борасида ёрқин истеъдоди, бетакрор бадиий асарлари, ибратли ижтимоий фаолияти билан катта ҳисса қўшган. Унинг истиқлолимизга садоқат, она-Ватанга муҳаббат туйғуларини маҳорат билан тараннум этган шеърлари, достонлари адабиёт муҳлислари, бутун халқимизнинг кўнгил мулкига айланган.

Муҳаммад Юсуфнинг «Таниш тераклар», «Ишқ кемаси», «Эрка кийик», «Ўзингдан қўймасин, халқим» каби шеърий тўпламлари адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин эгаллаган. Унинг Ўзбекистонимизни, меҳридарё халқимизни, беғубор ва самимий туйғуларни тараннум этувчи шеърлари асосида яратилган қўшиқлар санъат муҳлислари қалбидан жой олган. Шоирнинг адабиётимиз равнақи йўлидаги меҳнатлари муносиб тақдирланиб «Дўстлик» ордени ва Ўзбекистон халқ шоири фахрий унвони билан мукофотланган.

Ўзбекистон халқ шоири, она Ватан ва истиқлол куйчиси Муҳаммад Юсуф таваллудининг 67 йиллиги муносабати билан Тошлоқ туманидаги барча таълим муассасаларида шоир хотирасига бағишлиб адабий-бадиий кечалар бўлиб ўтди.

Адабий-бадиий кечаларда ҳассос шоир ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотлар ва саҳна кўринишлари намойиш этилди, мушоиралар ўтказилди. Концерт дастурларида шоир шеърлари билан айтиладиган ашулалар янгради. Адабий кечаларда шоирлар, ижодкорлар ва ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчилар иштирок этишиди.

Фурқатжон ҚОДИРОВ,

Тошлоқ тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари.

Одилхон МАЖИДОВ,

Республика маънавият ва маърифат маркази Тошлоқ тумани бўлинмаси раҳбари.

2021-04-26 18:35:12